



## “VICTORY PARK” - A HIGH EXAMPLE OF COURAGE OF THE UZBEK PEOPLE IN THE SECOND WORLD WAR

**Naim Kh. Oblomurodov**

*Professor*

*Tashkent Financial Institute*

*Tashkent, Uzbekistan*

### **ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Victory Park, World War II, heroism, Uzbeks, courage, honor, glory, monument, front, museum, complex.

**Received:** 14.06.22

**Accepted:** 16.06.22

**Published:** 18.06.22

**Abstract:** The article discusses the importance of the Victory Park built in Tashkent as a great example of the courage of the Uzbek people during the Second World War. It says that the park today serves as a demonstration of the courage and stamina of Uzbeks during the war years, high human qualities and the upbringing of the younger generation in the spirit of devotion to the Motherland.

## “ҒАЛАБА БОҒИ”-ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЖАСОРАТИНИНГ ЮҚСАҚ НАМУНАСИ

**Наим Х. Обломуродов**

*Профессор*

*Тошкент молия институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### **МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** “Ғалаба боғи”, иккинчи жаҳон уруши, қаҳрамонлик, ўзбекистонликлар, жасорат, шон-шараф, шухрат, ёдгорлик, фронт, музей, мажмуа.

**Аннотация:** мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонликлар жасоратининг юқсак намунаси сифатида Тошкент шаҳрида бунёд этилган “Ғалаба боғи” нинг аҳамияти хусусида фикр юритилган. Унда мазкур боғ бугунги кунда ўзбекистонликларнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонати, юқсак инсоний фазилатларини намоён этиш ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганлиги баён қилинган.

## «ПАРК ПОБЕДЫ» - ВЫСОКИЙ ПРИМЕР МУЖЕСТВА УЗБЕКСКОГО НАРОДА ВО ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ

**Наим X. Обломуродов**

*Профессор*

*Ташкентского финансового института*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** «Парк победы», вторая мировая война, героизм, узбеки, мужество, честь, слава, памятник, фронт, музей, комплекс.

**Аннотация:** В статье рассматривается значение Парка победы, построенного в Ташкенте как великого примера мужества узбекистанцев в годы второй мировой войны. В нем говорится, что парк сегодня служит демонстрации мужества и стойкости узбекистанцев в годы войны, высоких человеческих качеств и воспитанию подрастающего поколения в духе преданности Родине.

### КИРИШ

Тарихдан аёнки, ўзбек халқи ва ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидағи қаҳрамонлиги ва жасорати ватанимиз тарихининг ёрқин кўзгусидир. Бу халқимиз қаҳрамонлигини акс эттирувчи ўзига хос тархий воқеадир. Ҳар йили ушбу унутилмас воқеани эслаш, аждодларимизнинг уруш жангоҳларида кўрсатган қаҳрамонликларини нишонлаш анъанага айланиб бормоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ҳамда унинг ҳудудида «Шон-шараф» давлат музейи бунёд этилган эди. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишлиб барпо этилган «Ғалаба боғи» мемориал мажмуаси миллионлаб кишилар учун мухим бўлган 9 май санасида тантанали равишда очилди. Маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ғояси ва ташаббуси билан инновацион технологиялар асосида, Ўзбекистон халқининг II жаҳон урушида кўрсатган бекиёс жасоратини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва «Шон-шараф» давлат музейи экспозициялари халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонатини, юксак инсоний фазилатларини намоён этиш ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиласди.

«Ғалаба боғи»нинг умумий майдони 14,6 гектар. Мажмуа рамзий 12 та ҳудудга бўлинган бўлиб, кириш қисми, урушнинг даҳшатли қиёфаси, марказий хиёбон, ҳарбий техникалар майдончалари, темир йўл вокзали, фронт орти ҳудуди, амфитеатр ва маъмурий бино, мотам ва

андух ҳудуди, шоду ҳуррамлик ҳудуди, ғалаба ҳудуди, «Шон-шараф» давлат музейи ва шукроналик ҳудудидан ташкил топган. Боғда уруш ва унинг оқибатлари, уруш даври манзаралари, жумладан окоп ва блиндажлар, палаткалар, дала ошхоналари ва бошқа лавҳалар акс этган мажмууда ўша даврдаги ҳарбий техника ва қурол-ярoglар, Ўзбекистон ҳалқининг фронт ва фронт ортида кўрсатган жасорати, мashaққатли меҳнати, қайғу-алами, шунингдек, эришилган буюк ғалабага қўшган улкан хиссаси ифодаланган.

Боғнинг «Матонат мадҳияси» мажмуасида бутун ўзбек аёлларининг садоқати рамзига айланган зангиоталик Зулфия Зокирова ва унинг урушда ҳалок бўлган беш ўғлиниң вафодор рафиқалари акс этган. «Кўз ёши» мажмуаси урушнинг мудхишлиги, миллати ва динидан қатъи назар, барча одамлар бирлиги рамзини ифодалайди. «Шон-шараф» давлат музейининг юқори қисмида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 301 нафар қаҳрамонларимиз шарафига экилган дараҳтлар, шунингдек «Мангу жасорат» деб номланган мажмууда афсонавий ўзбек генерали Собир Раҳимов ва барча ўзбекистонлик ботир жангчиларнинг сўнмас хотираси ифодаланган. Бу мажмуа юртимиздан етишиб чиққан қўрқмас, мард ва жасур, матонатли саркардалар, жангчилардан фаҳрланиш, жасоратларидан доимо ибрат олиш, дунёдаги энг буюк ҳалқлардан бири эканлигимизни ҳис қилиш, Ватандошларимизда шу замин, шу юрт фарзанди эканлигидан ғурур, фаҳр-ифтихор туйғулари уйғонишига хизмат қиласи.

Ҳар бир юртдошимиз «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасига ташриф буюар экан, бу ердаги экспонатларни кўриб қалби ҳаяжонга тўлади. Бу мажмуа бизни бугунги тинчлик-осойишталик, мусаффо осмон, фаровон ҳаёт қанчалик бебаҳо неъмат эканлигини, уни кўз қорачиғидек асрabbavailash муқаддас бурч эканлигини англаатади.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш қуни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш анъянага айланди ва у кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Барчамизга маълумки. 1999 йили 9 май қуни Ўзбекистон пойтахтида Хотира майдони очилган бўлса, 2020 йил Тошкент шаҳрида Ғалаба боғи очилагини ҳалқимизга бу куннинг қанчалик қадрли эканини яна бир бора тасдиқлади. Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини кўрсатган қўп миллатли Ўзбекистон ҳалқининг фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини кенг миқёсда ёритилгани ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштирилгани, уларнинг бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаган, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаётган пойтахтимидағи “Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат мадҳияси” монументларини, тарихий-бадиий экспозицияларни

ўз ичига олган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси тарихий таълим ва табия, ғуур ва ифтихор мактабига айланмоқда.



Зеро, бу боғ Ўзбекистонда асрлар давомида каҳрамона, ўлкамизни ҳимоя килган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва халқининг тинчлиги учун курашган ватандошлар хотирасини ўида мужассам этганлиги билан дикқатга сазовордир. Шу боис ҳам, хотира ва қадрлаш тушунчаси чуқур маънога эгадир. Ушбу кунда фашизмга қарши курашишларда қатнашган, ўз Ватанини ҳимоя қилишда жонига фидо килган, шунингдек Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Наджмиддин Кубро, каби каҳрамонлар ва асрлар давомида халқ орзу қилган эркинлик учун курашган Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар-кори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир каби миллий каҳрамонларимизни руҳини шод этиб эслаш ҳам фарз ҳам карзидир. Айниқса, инсоният иккинчи жаҳон урушида катнашган, бу аёвсиз жангу жадалда каҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасини асло унутмайди.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни ҳар йилида ўзгача руҳда нишонланиб келинмоқда. Зеро, Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, фронт ортидаги меҳнат қаҳрамонликлари, юртимизга эвакуация ва депортация қилинган турли миллат вакиллари, хусусан, болаларнинг бағрикенглик билан кутиб олиниши ва уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилиши сингари тарихий воқеаларни акс эттирган тарихий сюжет, экспонантлар билан Ғалаба боғида сайёр тарихий машғулотлар, учрашув ва давра сұхбатларини ташкил этиш орқали ёш авлоднинг маънавий оламини юксалтиришга она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиласи. Ғалаба боғи ҳар бири алоҳида мавзуга эга бўлган икки

қисмдан иборат. Биринчисида ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштирокидан лавҳалар, иккинчисида фронт ортидаги республикамиз ҳаёти акс этган.



Мазкур боғ нафақат ёшларда балки ёши улуғларимизга ҳам ғуур ва ифтихор баҳш этиши табиийдир. Чунки қўп миллатли ва буюк тарихга эга халқимизнинг тарихий хотира билан яшаб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, шунингдек, мазмунли дам олиши билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда республика ва халқаро миқёсда илмий-амалий конференциялар, семинарлар, маҳорат дарслари, ижодий кечалар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиши ҳар бир инсонга айниқса, олиму шоирлар учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Шу боис ҳам, деярли мунтазам ва изчилликда “Шон-шараф” давлат музейи фондлари ва экспозицияларини Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан бойитиб борилмоқда. Б эса Ғалаба боғига келаётган аҳолининг, ёш авлоднинг ҳар бир куннинг, тинчликнинг нақадар қадрлигини кўрсатмоқда. Айниқса республика олий ва олий ҳарбий таълим муассасалари талабалари, магистрантлари ва докторантлари томонидан уруш йилларига оид илмий-тадқиқот ишлари олиб боришларини ташкил этсин, ушбу мақсадда “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида алоҳида ўқув хоналари ажратилганлиги ҳам барча ёш тадқиқотчилан учун яратилаётган янги имконият ва шарт-шароитdir. Биз азал-азалдан тинчликсевар халқмиз. Айнан шу гоя тарғибига бағишлиланган буюк миллий маънавий меросимиз, тарихимиз бор. Уларнинг барида тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса батамом қораланади.

“Фалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида алоҳида ўқув хоналарида илмий тадқиқотлар замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди. II жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг 230 нафар одам иштирок этди. 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтгани, 450 мингдан ортиқ ватандошимиз эса қонли жангларда ҳалок бўлган.



Айниқса, «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасига ҳаётда бўлган воқеа – мўътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат бугун ёшларими учун ҳам, ҳалқимиз учун ҳам ҳақиқиқӣ садоқат ва ватанпарварлик намунасини ўтамоқда. Чунки мажмуадаги оила Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокированинг ҳаёти асосида курилган бўлиб, онахон Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан – Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган. Унинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолган. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўrnак олиб, ўз оиласига содик қолган, бошқа турмуш курмаган. Бундай сабр ва матонат ўзбек аёлларининг муқаддас туйғуси вафо ва садоқатидир.

Шу боис ҳам, “бу Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал, ушбу ёдгорлик бутун ҳалқимиз учун кутлуғ зиёратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садоқат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллатимизнинг қонида бўлган фазилатларни англаб, уларни қадрлаб яшашга интилади” – деб давлатимиз раҳбари бежиз таъкидламаганди. Зеро, Ўзбекистонга бир миллионга яқин киши эвакуация қилинган. Уларнинг 200 мингдан зиёди болалар бўлган. Юзлаб ўзбек оилалари бу болаларни ўз паноҳига олган. Бугун янгиланиш остонасида турган ҳалқимиз бу мардик ва бағрикенгликни ўига ибрат ва намуна мактаби сифатида улуғлаши лозимдир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда мавзуга оид бадиий, илмий-оммабоп китобларни нашр этаётгани тарих ва ҳозирги замоннинг уйғунлигини, хотира мангулигини таъминламоқда. Халқ хотираси деганда киши кўз ўнгидан Ватан ибтидосидан бугунига қадар шу юрт, шу халқ деб курашган, куч-кудрати, ақл-заковатини аямаган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо қилган не-не буюк зотлар бир-бир ўтади. Спитамен, Широқдан Туркон Хотун, Маҳмуд Торобийгача, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекдан Захириддин Мухаммад Бобургача, Жалолиддин Мангубердидан, Нажмиддин Куброгача ёдга тушадики, бундай мавулардаги илмий-оммабоп китоблар ёшлар дунёқарашида катта таассурот қолдиради.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг муносиб ҳиссасини келгуси авлодлар хотирасида сақлаб қолиш учун маънавий-маърифий тадбирлар мантиқий изчилликда, аниқ режалар асосида йўлга қўйилганилиги диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, Ғалаба боғида халқимиз қаҳрамонлиги ва матонати акс этмоқда. Демак, бу матонат бугун инсонга ҳар куни тинчлик-осойишталиқ ва хотиржамлик кераклигини эслатиб туради. Тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Тинчлик-хотиржамлик – тараққиёт гарови эканлигини “Ғалаба боғи мазмуни моҳияти билан фақат байрам кунлари эмас, йил давомида бу ерга келган ёшларимига билим, ғурур-ифтихор бериши билан бирга бугунги тинчликнинг қадрига этиб, ватанпарвар бўлишга ундейдиган маскандир.

Зеро, Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб бегуноҳ одамларнинг бевакт ўлими, мислсиз йўқотишлигарга сабаб бўлган машъум воқеа сифатида инсоният тарихида муҳрланиб қолди. Ўзбекистон халқининг ҳам ушбу қора кунлар билан боғлиқ оғриқли хотиралари бор. Халқимиз ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшди. 2 миллионга яқин юртдошимиз жангларда иштирок этиб, уларнинг 500 мингдан ортиғи қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

## ХУЛОСА

Бугун мамлакатимизда 400 га яқин уруш фахрийси умргузуронлик қилмоқда, улардан 40 дан ортиғи 100 ёшдан ошган нуроний зотлардир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон жанглар давом этаётган ҳудудлардан кўчирилган 1,5 миллиондан ортиқ кексалар, аёллар ва ёш гўдакларни бағрига олди. Уларнинг оғир дамларида бекиёс ғамхўрлик кўрсатилди.

Халқимизнинг тарих саҳифаларига ўчмас ҳарфлар билан битилган бундай мардлик ва матонати, олижаноблиги, меҳр-муруввати ва юксак маънавияти барчамизнинг қалбимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишилаб, фарзандларимизни ватанпарварлик ва аждодлар жасоратига

садоқат руҳида тарбиялашда илҳомлантириб келмоқда. Ҳар бир юртдошимиз «Шон-шараф» давлат музейига кирап экан, бу ердаги экспонатларни кўриб қалби ҳаяжонга тўлади. Мазкур мажмуя бизни бугунги тинчлик-осойишталиқ, мусаффо осмон, фаровон ҳаёт қанчалик бебаҳо несьмат эканини, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш мукаддас бурчлигини англатади. Мамлакатимизда уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибор, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши оқибатлари ва йўқотишиларини ўзида мужассам этган, Ўзбекистон ҳалқининг буюк Фалабага қўшган ҳиссасини тўла намоён этган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасининг тарихий аҳамиятини хорижий тарихчилар ва кенг жамотчилик ҳам фаол қўллаб-қувватламоқда.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил, 25 январ.
2. Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш қунига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. №80. Т., 2020 йил. 10 май.
3. Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Тошкент. 2021.
4. <https://xs.uz/uzkr/post/galaba-bogi-khalqimiz-qahramonligini-aks-etirgan-yakhlit-mazhmua>